

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,  
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОДАВЛАТ ВА  
НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ

СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

# "ДАВР, ЗАМОН, ШАХС"

"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТДА ТАРИХ  
ВА ЭТНОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ  
МАСАЛАЛАРИ, РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА  
ИСТИҚБОЛЛАРИ"

мавзусидаги

Республика илмий анжумани мақолалар тўплами



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,  
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОДАВЛАТ ВА  
НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ**

**СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**“ДАВР, ЗАМОН, ШАХС”**

**“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТДА ТАРИХ  
ВА ЭТНОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ  
МАСАЛАЛАРИ, РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА  
ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

**мавзусидаги**

*Республика илмий анжумани мақолалар тўплами*



**TOSHKENT  
“FAN VA TA’LIM”  
2023**

**УЎК 808.5(075.8)**

**КБК 83.7ya73**

**A77**

“Давр, замон, шахс” “Янги Ўзбекистон шароитда тарих ва этнология фанларининг долзарб масалалари, ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий анжумани мақолалар тўплами / С. Турсунов. – Т.: “Fan va ta’lim”, 2023. – 802 6.

**Масъул муҳаррир:**  
*т.ф.д., проф. С.Н. Турсунов*

**Тақризчилар:**  
*ф.ф.д.профессор П.Бакров,  
ф.ф.н. доцент. Б.Муртазаев,  
т.ф.д.доцент Т.Р.Пардаев,,  
п.ф.н.доцент М.Бозорова,  
т.ф.б.ф.д.(PhD) И.Қаршиев,  
т.ф.б.ф.д (PhD) Г.Ахмедова,  
ўқитувчи М.Рахмонов*

**Котибият аъзоси:**  
*Қўшиқова МоҳигулТурсуновна*

ISBN-978-9943-000-0-0

“Fan va ta’lim”, 2023 й.

## **СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ**

**Ботирова Ҳалима Эшмаматовна,**  
*ТҚҲММИ, Миллий тадқиқот университети,  
“Гуманитар фанлар” кафедраси доценти вазифасини  
бажарувчи, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Аннотация:** Ушбу мақолада мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон жанубий вилоятларида фермер хўжаликларини ташкил этилиши ва унинг ижобий томонлари амалга оширилган ислоҳотлар ва натижалари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** аграр ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилди, фермер хўжаликлари, жамоа хўжалиглари, суғориш иншоотларининг таъмирланиши ва самарадорликнинг ошиши.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳал қилувчи бўғини қишлоқ хўжалиги соҳасидага аграр соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларини манфаатларини ҳисобга олиб амалга оширилди. Бунинг сабаби шундаки, Ўзбекистон аҳолисининг 64 фоизидан кўпроғи қишлоқда яшар, қолаверса, саноатга хом ашё етказиб берадиган, одамларни кийинтирадиган ва тўйдирадиган соҳа ҳисобланади. Ушбу соҳани тубдан ислоҳ қилиш, аграр соҳа мутахассислари, ходимлари ва ишчи-хизматчиларининг мулкка бўлган янгича муносабатини қарор топтириш осон кечмади.

Республикада ўтказилган аграр ислоҳотлар натижасида фермер хўжаликлари ташкил топа бошлади. Фермер хўжаликларни ташкил этишдан мақсад янгича ишлаш ва иқтисодий манфатдорликни ошириш учун аграр соҳада катта тажрибага эга ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш давлат дастурини асосий йўналиши қилиб олинган эди. Сурхондарё вилоятидаги биринчи фермер хўжаликлари 1989 йилда ташкил этилди. Термиз туманидаги «Дўстлик»

жамоа хўжалиги негизида тузилган илк фермер хўжаликлари биринчи йилдаёқ катта муваффақиятларни қўлга киритишди. Уларнинг иши Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов томонидан юқори баҳоланди. Республика изда «Сурхондарё дехқончилик мактаби» деган янги фаҳрли ном вужудга келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1991 йил 29 ноябрда қабул қилинган «Фермер хўжаликлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва республика ишбилармонлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони шу ўзгаришларнинг мантиқий давоми бўлди. 1991 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Дехқон фермер хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш» тўғрисидаги Фармони ҳамда 1992 йил Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини замон талаблари асосида ташкил қилишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Хукумат карори билан фермерларга ер ажратила бошланди. 1994 йилда Сурхондарё вилоятидаги дехқон-фермер хўжаликлари сони 1,9 баробарга кўпайди ва йил охирида 25 мингтани ташкил этди. Шундан 10 минг хўжалик чорвачиликка ихтисослашган эди. Фермер хўжаликларига тегишли экинзорларнинг умумий майдони 1994 йилда 1993 йилга нисбатан 2,7 ортди.

Аграр ислоҳотлар бошланган илк йилларда республикамиз жанубий вилоятларида фермер хўжаликларига бўлган эътибор анча суст эди. Негаки, республика аграр тармоғида фермерлик жараёни эндингина бошланган, ҳали етарлича тажриба тўпланмаган, унинг афзаллик томони тўлиғича намоён бўлмаган, қолаверса, совет давридан қолган эскича фикрлаш сақланиб қолган эди. Бу ҳолатлар янги ташкил этилган фермер хўжаликларини моддий-техник қувватига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Қолаверса, қишлоқ хўжалигига тўпланиб қолган муаммолар аграр соҳадаги давлат дастурлари бажарилишига ва уни мутахассислар билан таъминлаш жараёнига тўсқинлик

қилди. Кўпгина хўжалик раҳбарлари янги ташкил этилаётган фермер хўжаликларига сув чиқиши қийин бўлган, шўрланган, тошлоқ, унумдорлиги паст ерларни ажратиб бера бошладилар. Бу нарса айрим раҳбарларнинг бозор иқтисодиёти қонунларни тушуниб етмаганлиги, унинг асл моҳиятини, шарт ва талаблари, маъно ва мазмунини англамаслиги туфайли содир бўлди. Жойларда шунчаки номига хусусий мулкка айлантириш холатлари учради.

Фермер хўжаликларини аграр соҳа мутахассислари билан таъминлаш жараёни оғир кечди. Қишлоқ хўжалиигига умуман алоқаси бўлмаган бошқа соҳа вакиллари кириб келиши бунга мисол бўлди. Мутахассислиги бўлмаган тасодифий шахсларнинг таниш-билиш қилиб аграр соҳага кириб келиши қишлоқ хўжалигини мукаммал биладиган кишиларнинг четлатилишига олиб келди. Бунинг оқибати жуда оғир бўлди. Тасодифан қишлоқ хўжалиигига кириб келган кишилар фермерликни юрита олмаслиги туфайли қишлоқ хўжалигига режалаштирилган давлат шартномалари бажарилмай қолди. Натижада, 1995 йилда фермерларнинг дебитор қарзлари 1 миллион 300 минг сўмдан ошиб кетди. Бу эса фермер хўжаликларининг сони камайиб кетишига сабаб бўлди. Қашқадарё вилояти бўйича 1992 йилда 2476 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатган бўлса, 1995 йилда 1 ноябринга келиб уларнинг сони 765 тага камайди.

Фермер ва ширкат хўжаликлари бир вақтда фаолият юритган даврда фермер хўжаликлиридаги меҳнат ва маҳсулот етиштириш ширкат хўжалиигига нисбатан анча ўсишга эришганлиги қуйидаги рақамларда кўриш мумкин. Сурхондарё вилоят ширкат хўжаликлари 2001 йилда 64095 тонна полиз маҳсулотлари етиштирган бўлса, 2005 йилда келиб 63548 тоннага пасайди. Фермер хўжаликлари 2001 йилда 3211 тонна полиз маҳсулотлари етиштирган бўлсалар, 2005 йилда келиб бу рақам 3788 тоннага етказилди. Ширкат хўжаликлари 2001 йил вилоятда 48941 тонна хўл мева топширишган бўлса, 2005 йилга келиб 44814 тоннага камайган. Фермер хўжаликларида 2001

йил 14489 тонна хўл мева етиштирган бўлсалар, 2005 йилга ке-либ 16632 тоннадан ошди.

Фермер хўжаликлари эришаётган ютуқлар Республика жанубий худудларида фермер хўжаликларини ташкил этиш суръатларини тезлаштиргди. Сурхондарё вилоятида 2001 йили 3438 та фермер хўжалиги ташкил этилган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда келиб 6677 тага етди. Вилоятда фермер хўжаликларининг ер майдони ҳам кўпайиб, 2001 йилги 69827 гектардан 2005 йилги 256865 гектарга етди. Статистик маълумотларга қараганда, 2005 йилда фермер хўжаликларининг жами суғориладиган экин майдонлари 135516 гектарни ташкил этиб, шундан 57034 гектарига донли экинлар, 72141 гектар ерга пахта экилди.

Хулоса қиласидаган бўлсак 1991—2015 йилларда Ўзбекистонда ўтказилган аграрислоҳотлар босқичма-босқичамалга оширилди. Сурхондарё вилоятида эскича маъмурий-буйруқбозлик усулларидан воз кечилиб, янги типдаги хўжаликка ўтиш бошланди. Олдинги колхоз ва совхозлар ўрнига дехқон, ширкат ва фермер хўжаликлари ташкил этилди. Аҳолига томорқа учун ер тарқатила бошланди. Қишлоқ хўжалиги кооперативида оиласиб пудратдан кенг фойдаланилди. Аграр тармоқни техника билан таъминлаш учун лизинг хизматлари йўлга қўйилди. Янги ташкил этилаётган хўжаликларни молиявий жиҳатдан кўллаб-куватлаш учун уларга имтиёзли кредитлар тақдим этилди. Солик тўлашда ҳам фермер хўжаликларига қатор имтиёзлар берилди.

### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги. Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. Биринчи китоб. –Термиз, 1996. –Б. 1-17.
2. Хомитов К.З. Малакали аграр меҳнат бозорининг шаклла-ниши (Қашқадарё вилояти мисолида) Иқт. фан. ном. ...дисс. – Тошкент, 1999. – Б.120.

3. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 10-баённома, 5-хўжжат, 1996 йил, 25 февраль. –Б. 25.

4. Каримов И.А. *Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгайши сессиясида сўзланган нутқ. 1995 йил 29 ноябр //* Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар тўплами, 4-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон. 1996. –Б. 144-145.

## ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМДАГИ ИСЛОҲАТЛАР САМАРАСИ (ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАР МИСОЛИДА)

**Турсунов Анвар Сайпуллаевич,**  
*Термиз давлат университети Жаҳон тарихи  
кафедраси ўқитувчиси, т.ф.б.ф.д (PhD)*

Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий, маданий соҳаларда қатор ижобий ўзгаришлар ва ютуқларга эришилди. Республиканинг жанубий вилоятлари Сурхондарё ва Қашқадарё шаҳарларида ҳам сезиларли ишлар қилинганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Қашқадарё шаҳарларида аҳолига 13 та касалхона, 3 та санаторий, 63 та амбулатория поликлиникаси, жами 72 та даволаш-профилактика муассасаси хизмат қилмоқда. Даволаш – профилактика муассасаларида 200 нафар юксак малакали шифокор, 2700 нафар ўрта маълумотли тиббиёт ходими аҳоли соғлигини сақлаш йўлида меҳнат қилмоқда. Биргина 2008-2010 йилларда 5 млрд. 525 минг сўмлик тиббий жиҳозлар олинди. 5 млрд. 352 млн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Кардиология марказига 600 млн. сўмлик замонавий тиббий жиҳоз ўрнатилди[8.37].

Ўзбекистонда инсон саломатлигини сақлашнинг энг асосий омили экологик муҳитни асрараш, ёш авлодни келажагиги учун қайғуриш давлат сиёсатига айланди. Чунки, Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикасига ўхшаб жанубий вилоятлар

<b>Shamsiyeva Zilola, Termiz davlat universiteti etnologiya, etnografiya va antropologiya ixtisosligi tayanch doktoranti.</b> Buxoro vohasiga xos nikoholdi marosimlari .....	440
<b>7-SHO'BA. O'ZBEKISTONDA ANIQ VA TABIIY FANLAR MUAMMOLARI VA ISTIQBOLLARI</b>	
<b>Dilorom Yoqubova, Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti dotsenti, tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD).</b> Ingichka tolali paxta tarixidan...	444
<b>Annayeva Zarifa Musurmonqulovna, Termiz davlat universiteti jahon tarixi kafedrasi katta o'qituvchisi.</b> O'zbekistonning janubiy hududlarida ekologik holatning buzilishi va unga sabab bo'lgan omillar .....	460
<b>8-SHO'BA. YANGI O'ZBEKISTONDA IJTIMOIY-IQTISODIY, MA'NAVIY-MARIFIY HAYOT</b>	
<b>Эркин Бабамуратов, Тергу профессор, доктор философских наук., Жовлиев Журабек, Тергпи магистрант.</b> Идеологическая профилактика – для идеологический фактор защиты молодежи .....	465
<b>Эркин Бабамуратов, Тергу профессор, доктор философских наук.</b> Индивидуальное идеологическое воспитание современной молодежи – узбекистана надежный практический инструмент повышения эффективности идеологической профилактики.....	476
<b>Холмуминов Х.Э. Термиз давлат университети, Жаҳон тарихи кафедраси доценти. т.ф.н., Суюнов Акмал, Тарих факультети 2-курс магистранти.</b> Маҳалла- фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири сифатида .....	482
<b>Ботирова Ҳалима Эшмаматовна, ТҚҲММИ, миллий тадқиқот университети, “Гуманитар фанлар” кафедраси доценти вазифасини бажа- рувчи, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).</b> Сурхондарё вило- ятида фермер хўжаликларининг ташкил этилиши .....	489
<b>Турсунов Анвар Сайпуллаевич, Термиз давлат университети жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси, т.ф.б.ф.д (PhD).</b> Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимдаги ислоҳатлар самараси (жанубий вилоятлар мисолида)....	493

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,  
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОДАВЛАТ ВА  
НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ**

**СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

# **“ДАВР, ЗАМОН, ШАХС”**

**“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТДА ТАРИХ  
ВА ЭТНОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ  
МАСАЛАЛАРИ, РИВОЖЛANIШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА  
ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

**мавзусидаги**

*Республика илмий анжумани мақолалар тўплами*

Муҳаррир *O. Қанаев*

Бадиий муҳаррир *A. Ақилов*

Техник муҳаррир *B. Ирисбоев*

Мусаххих *D. Исмоилова*

Саҳифаловчи *B. Ирисбоев*

Нашриёт лицензияси. № 2013-975f-3c5e-dle5-f4f3-8537-2366

Босишга 05.06.2023 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32. Ҳажми 18,25 б.т. Адади 500 нусха.

Шартнома № 18/72. Буюртма № 142.

“Adad Plyus” МЧЖ босмахонаси.  
Тошкент ш. Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 28-уй.

